Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

# Жанубий Қозоғистон

TÚRKISTAN

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 10 апрель, пайшанба, №38 (3539).

Президент

# ҚОЗОҒИСТОН ВА ИСРОИЛ: ЧЕГАРА БИЛМАС ҲАМКОРЛИК





**KAZINFORM. Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Исроил Давлати Кнессети (Парламенти) Спикери Амир Ўхануни қабул қилди.**

Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, инновацион, илм-таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни жорий йилда янада ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. Томонлар ўзаро манфаатли барча соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, сув захиралари соҳасида ҳамкорлик қилиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Қасим-Жўмарт Тўқаев Исроилнинг илғор технологияларини юксак баҳолади ва Қозоғистон бу йўналишда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга тайёр эканини тасдиқлади.

Амир Ўхану Қозоғистон Президентига меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдириб, икки давлат ўртасидаги кўп қиррали алоқалар муваффақиятли ривожланиб, интеграция учун янги имкониятлар очилаётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

# ҚОЗОҒИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИ – ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА

**KAZINFORM. Ўзбекистонда Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеясининг юбилей сессияси ўтди.**



Анжуман иштирокчилари парламентларнинг ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий адолатни таъминлашдаги аҳамиятини муҳокама қилдилар. Қозоғистон Парламенти делегациясига Мажлис раиси Ерлан Қўшанов раҳбарлик қилди.

Мажлис раиси ўз маърузасида таъкидлаганидек, асрлар давомида халқлар ва маданиятларни боғлаб келган Буюк Ипак йўли анжуманининг ташкил этилиши улкан рамзий аҳамиятга эга.

Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеяси мавзусининг долзарблигига тўхталар экан, у БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш томонидан таклиф этилган янги ижтимоий шартнома ғояси янги дунёвий муаммолар олдида аҳамиятлироқ бўлганини алоҳида таъкидлади.

– Қозоғистоннинг ислоҳотлари адолат ва ҳамжиҳатликка асосланган. Бош йўналиш – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи. Амалга оширилаётган барча ислоҳотларимиз марказида инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу ғоя мужассам. Зеро, адолат – Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг сиёсий йўналишининг мафкуравий асоси ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида Адолатли Қозоғистонни барпо этишга қаратилган тизимли сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жамиятнинг сиёсатда иштирок этиш қобилиятини оширди ва ижтимоий тенгсизликни камайтирди. Тенг ҳуқуқлилиликни ривожлантириш, соғликни сақлаш ва таълимдан фойдаланиш, миллий бойликни адолатли тақсимлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси Парламент томонидан қабул қилинган қонунларда акс эттирилмоқда, – деди Ерлан Қўшанов.

Мажлис раиси Қозоғистонда барча фуқаролар учун муносиб меҳнат шароитлари ва касбий тараққиёти учун тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини ва Давлат раҳбари 2025 йилни "Ишчи касблари йили" деб эълон қилганини таъкидлади.

– Қозоғистон халқаро ҳамкорликни ривожлантирган ҳолда ички ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Қозоғистон Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистонни барқарор ривожлантириш мақсадида Алмати шаҳрида БМТнинг минтақавий марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Шу муносабат билан БМТ Бош Ассамблеясининг тегишли резолюциясини бир овоздан маъқуллагани учун ташкилотга аъзо барча мамлакатларга самимий миннатдорчилик билдираман, – деди Мажлис раиси.

Иккинчи куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев дунёнинг олий парламент делегациялари олдида нутқ сўзлади.

# ҚОЗОҒИСТОН ТАЖРИБАСИ – ДУНЁГА ИБРАТ

## ХАНС КЛЮГЕ СОҒЛИКНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ҲАҚИДА



**KAZINFORM. ЖССТнинг Европа минтақавий идораси директори Ханс Клюге кампаниянинг асосий йўналишлари ва Қозоғистоннинг соғликни сақлаш соҳасидаги ютуқлари ҳақида мусоҳаба берди.**

– Бутунжаҳон саломатлик куни муносабати билан дунё бўйлаб "Соғлом туғилиш – порлоқ келажак гаровидир" тадбири бошланди. Унинг асосий мақсади ҳукуматлар, ҳамкорлар ва тиббиёт ҳамжамиятини бўлғуси оналарнинг соғлигини ҳимоя қилиш учун шошилинч чоралар кўришга чақиришдир. Бу асоратларни эрта аниқлаш, шошилинч доялик ёрдами, кам вазнли ва эрта туғилган чақалоқларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш борасида ҳомиладорлик билан боғлиқ хизматларни кучайтиришни талаб қилади. Дунёвий инқироз шароитида соғликни сақлашни молиялаштириш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож беморларнинг ҳаётини сақлаб қолади.

ЖССТ, шунингдек, она ва янги туғилган чақалоқнинг соғлигига таъсир кўрсатувчи кўплаб омилларга эътибор қаратади. Биз нафақат ҳомиладорлик ва туғилиш билан боғлиқ асоратлар ҳақида, балки руҳий саломатлик, нотўғри овқатланиш ва ортиқча вазн, тўйимли озиқ-овқат тақчиллигига ҳам эътибор қаратамиз.

(Давоми 2-бетда).

# ҚОЗОҒИСТОННИНГ ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАРИ:

## ХАРИТА КЕНГАЙТИРИЛДИ

**KAZINFORM. Мамлакатимизда Қозоғистоннинг диққатга сазовор жойлари харитасига 102та сайёҳлик иншооти киритилган бўлса, янги харитада уларнинг сони 186тага кўпайди.**



Туризм ва спорт вазирининг 2025 йил 28 мартдаги буйруғига кўра, сайёҳлик харитасига ўзгартиришлар киритилди. Буйруқ 2025 йил 14 апрелдан кучга киради.

Улар орасида вилоятимиздаги "Сарыағаш" курорт ҳудуди, «Ақмешіт» ғори ва Ақсу дараси ҳам бор.

Бундан ташқари, минтақавий сайёҳлик ҳудудлар рўйхати ҳам сезиларли даражада кенгайтирилди. Шундай қилиб, вилоят миқёсида 142та сайёҳлик иншооти мавжуд.

Миллий Қурултой тавсиялари – ҳаётга!




# МАФТУНКОР ЮРТ, БЕҚИЁС САЙЁҲЛИК МАКОНИ

## ҚОЗОҒИСТОНДА ДЕҲҚОНЛАРГА АГРОТУРИЗМ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШГА РУХСАТ БЕРИЛАДИ

**Бу масала Бурабай шаҳрида ўтган Миллий қурултойнинг IV йиғилишида Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев томонидан илгари сурилди.**

Тадбирда Давлат раҳбари маъруза қилиб, Миллий қурултой иш бошлаганидан буён мамлакатдаги бир қанча ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилингани, йил сайин мавзу доираси кенгайиб, қайд этилган камчиликлар қонун доирасида бартараф этилаётгани, жамият тафаккурининг ижобий жиҳатдан юксалаётганини таъкидлади. Қурултой аъзолари жамият ҳаётининг долзарб масалалари юзасидан ўз таклифларини билдирдилар. Шу жумладан, Давлат раҳбари сайёҳликни ривожлантириш, биологик хилма-хилликни таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталди.

«Сайёҳлик минтақалар учун жиддий ўсиш нуқтасига айланиши керак. Сайёҳлик салоҳиятини мустаҳкамлашга маҳаллий миқёсда миллий ва халқаро миқёсда ўтказиладиган тадбирлар ёрдам бериши мумкин.

Бу йил ҳам ана шундай лойиҳалардан бири Тараз шаҳрида ўтказиладиган "Ҳамдўстлик ярмаркаси" бўлиб, унга кўплаб мамлакатлардан ҳунарманд ва деҳқонлар таклиф этилган. Ушбу тадбир нафақат ҳамкорлар билан иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, балки Таразнинг энг қадимий савдо ва маданият марказларидан бири сифатидаги нуфузини мустаҳкамлаш, минтақага янги сармоя ва сайёҳлар оқимини жалб этиш имконини беради», деди Юртбоши.

Қ. Тўқаев таъкидлаганидек, деярли ҳар бир минтақада шу каби "лангар"ли маданий ва сайёҳлик тадбирлари ўтказилади, уларнинг аксарияти анъанага айланган. Улар, биринчи навбатда, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши ва йил давомида бир текис тақсимланиши зарурлигини таъкидлади.

Президент Қозоғистон биологик хилма-хиллигини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида тўхталди.

– Биохилма-хилликни асраш жамғармасини барпо этиш зарур, деб ҳисоблайман. Давлат раҳбари сифатида мен ушбу муҳим ишнинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаш учун ушбу жамоат ташкилотига шахсан раҳбарлик қилишга тайёрман, – деди Қ. Тўқаев.

Давлат раҳбари жамиятда экологик тафаккурни тарбиялаш муҳимлигини яна бир бор таъкидлади. Ўтган йилдан эътиборан мамлакатда "Тоза Қозоғистон" акцияси ўтказилмоқда, унинг тамойиллари ҳар бир фуқаро ва бутун мамлакатнинг кундалик ҳаётига айланиши керак.

Куни кеча Ҳукумат йиғилишида деҳқонларга ўз участкаларида агротуризм билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш масаласи кўриб чиқилди. Бу ҳақда Туризм ва спорт вазири Ербўл Мирзабўсинов маълум қилди.

– Ҳукуматнинг кенгайтирилган йиғилишида Давлат раҳбари сайёҳликни ривожлантириш юзасидан қатор топшириқлар берди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида ушбу соҳани ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Бироқ, бунга тўсиқ бўлаётган қатор масалалар ҳам мавжуд. Шу муносабат билан соҳани янада ривожлантириш мақсадида қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилмоқда. Тегишли қонун лойиҳаси Мажлисда кўриб чиқилмоқда. Аҳоли манзилларидан ташқарида, шу жумладан, миллий боғларда туризм инфратузилмасини барпо этиш юзасидан ҳокимликларга қонун чиқарувчи ваколатлар бериш – асосий ташаббуслардан биридир. Бу масала атрофлича муҳокама қилинди, – деди у.

Вазирнинг сўзларига кўра, ушбу ташаббус инфратузилмани ривожлантиришни таъминлайди.

– Минтақаларда сайёҳликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратиш учун янги ваколатларга эга алоҳида сайёҳлик бўлимларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш зарур. Ҳозирда фақат беш минтақада ўз бошқаруви мавжуд, яна иккитасида иш олиб борилмоқда. Деҳқонларга ўз участкаларида агротуризм билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш даркор. Айни пайтда мамлакатимизда 200 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги мавжуд. Бу чора қишлоқ аҳолиси учун қўшимча иш ўринлари яратиш, қишлоқлар фаровонлигини ошириш имконини беради. Миллий боғлардаги ер майдонларининг сайёҳлик ва соғломлаштириш фаолиятини амалга ошириш учун ижара муддатини 49 йилгача ошириш юзасидан қонунчилик ишлари олиб борилмоқда. Бу бизга сармояларни жалб қилиш ва экотуризмни ривожлантириш учун инфратузилмани такомиллаштириш имконини беради, – деди вазир.

Ўтган йили Қозоғистонда сайёҳлик соҳаси асосий капиталига йўналтирилган сармоялар ҳажми 947,5 миллиард тенгени ташкил этди.

Президент Мактубида белгиланган вазифалар ва Давлат раҳбарининг Миллий Қурултойда тақдим этган тавсияларини амалга ошириш ҳамда сайёҳлик соҳаси ички туризмини ривожлантириш мақсадида жорий йилда қатор тадбирлар ўтказилади. Хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида ЮНЕСКО вакилларини, Туркия экспертлари, "Tour Lab" сайёҳлик таҳлилхонаси мутахассисларини жалб этиб, сайёҳлик бизнеси, музей ходимлари, саёҳатбонларга мўлжалланган семинар-тренинглар ўтказилади.

Давлат раҳбарининг вилоят фаоллари билан учрашувида Туркистон шаҳрида маданий-тарихий сайёҳлик, Тўлебий туманида (Қасқасу) тоғ-чанғи туризми, Сариоғочда даволаш-соғломлаштириш туризмини ривожлантириш вазифаси топширилган эди. "E-qonaq"" тизимига кўра, 2024 йилда вилоятга 21 минг 121 нафар хорижлик сайёҳ ташриф буюрган ва ўтган йилга нисбатан 45 фоизга ошган.

Таъкидлаш жоизки, бу йил вилоятимизнинг учта сайёҳлик иншооти Жаҳон саёҳат кенгаши эълон қилган жозибадор жойлар рўйхатига киритилди. Вилоятда сайёҳлик соҳаси тарихий-маданий, зиёрат, экология ҳамда даволаш-соғломлаштириш йўналишлари бўйича устувор.

**А. АБДУФАТТОҲ.**

# ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ – АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА



**Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров “KEGOC” ҲЖ бошқаруви раиси Наби Айтжановни қабул қилди. Учрашувда вилоят энергетика салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим лойиҳалар, электр энергияси таъминотининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.**

Н. Айтжанов ҳокимни компаниянинг вилоятда электр энергетикасини ривожлантириш ва янги электр қуввати манбаларини ишга тушириш бўйича узоқ муддатли режалари билан таништирди. Компания томонидан мамлакатимиз жанубида энергетика тизимини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли сармоявий лойиҳа амалга оширилаётганини таъкидлади.

– Иқтисодиёт тармоқлари ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланган сари энергияга ҳам талаб ошиб боради. Шу боис, мамлакатимизда энергия ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, электр тармоқларини замонавийлаштириш, халқимизни бу муҳим манба билан узлуксиз таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу соҳада олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида сўнгги йилларда кўплаб янги электр қувватлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда бу борадаги ишлар тизимли равишда давом эттирилиб, энергия ишлаб чиқариш изчил тараққий этмоқда. Умуман олганда, Туркистон вилоятида соҳага доир амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлашнинг янада яхшиланишига имкон яратиши билан бирга, минтақада энергетик барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бу борадаги ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар одамлар ҳаётида намоён бўлмоқда. Туркистон вилояти учун энергетика соҳаси ўта муҳим. Инфратузилмани ривожлантириш, жумладан, электр тармоқларини янгилаш ва такомиллаштириш минтақа барқарор тараққиётининг гаровидир. “KEGOC” мамлакат энергетика хавфсизлигини таъминлашга улкан ҳисса қўшмоқда. Минтақанинг энергетика инфратузилмасини замонавийлаштириш ва янги лойиҳаларни амалга оширишда компания билан яқин ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга, – деди Н. Кўшеров.

Туркистон вилоятида электр энергиясига талаб 445 МВт-ни ташкил қилади. Унинг 80 фоиздан зиёди “KEGOC” ҲЖнинг шимолий манбаларидан етказиб берилади. Вилоятда электр энергияси тақчиллигини бартараф этиш борасида лойиҳалар амалга оширилмоқда. Минтақада иккита энергия ишлаб чиқарувчи станция фаолият юритмоқда. Улардан бири Сирдарё бўйида – Чордара шаҳри яқинида жойлашган, қуввати 126 МВт бўлган ГЭСдир. Иккинчиси – 5,5 МВт қувватга эга “Кентау-Сервис” ДКК. Шунингдек, умумий қуввати 278,6 МВт бўлган 24та қайта тикланувчи энергия иншоотлари мавжуд.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

# АФСОНАВИЙ ПОЛВОН ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Вилоятимизда ҳар йили бутун дунёга машҳур полвон – Қажимуқан Мунайтпасов хотирасига бағишланган Осиё кубоги мусобақаси ўтказилиб, унда Қозоғистон, Мўғулистон, Хитой, Ҳиндистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларининг полвонлари иштирок этади.**



Ўрдабаси туманида халқаро мусобақа олдидан Қажимуқан Мунайтпасули таваллудининг 154 йиллигига бағишланган тадбир ўтди. Унда туман ҳокими Азат Ўралбаев сўзга чиқиб, машҳур полвоннинг хотирасини ёд этиб, унинг номини кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилаётган маданий ва спорт тадбирларининг аҳамиятига тўхталди. Шунингдек, Қ. Мунайтпасов номидаги йирик маданият ва спорт мажмуаси қурилиши якунланганини ва очилишига саноқли кунлар қолганини ҳам таъкидлади.

Сўнг Қажимуқаннинг авлодлари, спорт арбоблари, қишлоқ аҳли ўз хотиралари билан ўртоқлашди, полвоннинг ҳаёти ҳақида гапириб беришди. Афсонавий полвоннинг авлоди ҳақида маъруза тингланди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

»» Туркистон вилоят маслаҳати МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

## Вилоят ҳудудий сайлов комиссиясининг чиқиб кетган аъзоси ўрнига сайлов ўтказиш тўғрисида

**Вилоят маслаҳати “Қозоғистон Республикасида сайлов тўғрисида” ҚР Конституциявий Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, (матн давомида – Сайлов тўғрисидаги Конституциявий қонун) вилоят ҳудудий сайлов комиссиясининг чиқиб кетган аъзоси ўрнига сайлов ўтказиш бўйича тадбирлар бошланганини маълум қилади.**

Сиёсий партия ҳудудий сайлов комиссиясининг таркибига ушбу сиёсий партиянинг аъзоси бўлмаган номзодни тавсия қилиш ҳуқуқига эга.

Сиёсий партиялардан таклифлар киритилмаган бўлса, вилоят маслаҳати ҳудудий сайлов комиссиясининг чиқиб кетган аъзоси ўрнига бошқа жамоат бирлашмалари ҳамда юқори сайлов комиссиясининг тавсияси бўйича сайлайди.

Сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, уларнинг тузилмавий бўлимлари, ҳудудий сайлов комиссияларига тегишли юқори комиссиялар **2025 йил 14 апрелдан эътиборан,** вилоят маслаҳатига қуйидаги ҳужжатларни тавсия қилади:

1) белгиланган шаклга мувофиқ, электрон ва қоғоз турларида ҳудудий сайлов комиссиясининг таркибига тавсия қилинган номзод ҳақида маълумотлар;

2) сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ёки уларнинг филиаллари (ваколатхоналар) нинг, юқори сайлов комиссиясининг ҳудудий сайлов комиссияси таркибига номзодни тавсия этиш тўғрисидаги қароридан кўчирма;

3) сиёсий партия, жамоат бирлашмаси ёки уларнинг филиаллари(ваколатхоналари)нинг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг кўчирма нусхаси;

4) номзоднинг ҳудудий сайлов комиссияси фаолиятига доир розилик бериш тўғрисида белгиланган шаклдаги аризаси.

Ҳудудий сайлов комиссиясига тавсия қилинган номзод тўғрисида маълумотлар, номзоднинг ҳудудий сайлов комиссияси ишига доир розилиги тўғрисида аризаларнинг шакллари вилоят маслаҳатининг ***https://www.gov.kz/memleket/entities/maslihat-turkestan?lang=kk*** сайтида эълон қилинган.

Вилоят маслаҳатига тавсия қилинган барча ҳужжатлар имзоланган, муҳрланган, ижро этиш куни, ижрочининг исм-шарифи ҳамда унинг телефон рақами кўрсатилган бўлиши керак.

**Таклифлар электрон турда *maslihat.uko@yandex.kz* электрон почтасига йўлланади.**

Ҳудудий сайлов комиссиясининг таркибига таклифларни қабул қилиш муддати 15 кундан иборат.

Ҳудудий сайлов комиссияси таркибига тавсия қилинган шахс Сайлов тўғрисида Конституциявий қонун талабларига мос келиши лозим.

Ҳудудий сайлов комиссияси таркибига яқин қариндошлар (ота-оналари, фарзандлари, бола асраб олувчилари, асраб олинган фарзандлари, ота-онаси бир ҳамда ота-онаси бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, боболари, бувилари, набиралари) ёки турмуш ўртоғи кирмайди.

**Қоғоз шаклидаги таклифлар** душанба-жума кунлари оралиғида соат 9.00дан 19.00гача қабул қилинади, тушки танаффус 13.00дан 15.00гача.

**Туркистон вилоят маслаҳати.**

*АБИШОВ Нурали Алмаханули – вилоят маслаҳати раиси.*

*Маслаҳат манзили: индекс 161200, Туркистон шаҳри, Янги шаҳар кичик тумани, 32-кўча, 18-бино.*

*Масъул шахс – Ахметов Жанибек Мухтарули, шаҳарлараро код 8(72533), хизмат телефонлари: 59-617, уяли тел: +7 771 144 15 15; электрон почта манзили: maslihat.to@yandex.kz.*

# ҚОЗОҒИСТОН ТАЖРИБАСИ – ДУНЁГА ИБРАТ

### ХАНС КЛЮГЕ СОҒЛИКНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ҲАҚИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Бундан ташқари, диабет ва саратон каби сурункали хасталикларнинг она саломатлигига таъсири ҳам кўриб чиқилади.

**– Сиз руҳий саломатликни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидладингиз. Сўнгги пайтларда ҳомиладор аёллар ва янги туққан оналар учун бундай ёрдамга эҳтиёж тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Бунинг сабаби нима?**

– Ҳомиладор аёллар ва янги туққан оналарнинг руҳий саломатлигини қўллаб-қувватлаш бир неча сабабларга кўра муҳимдир. Ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги давр жиддий жисмоний, ҳиссий ва руҳий ўзгаришлар давридир. Ҳар томонлама ёрдам (жисмоний ва ҳиссий саломатлик) бўлмаса, аёллар юқори даражадаги зўриқиш, ташвиш ва ҳатто депрессияни бошдан кечириши мумкин. Бу эса ўзи ва фарзандларининг соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундай оғир даврда руҳий саломатлик учун ёрдам олиш имкониятини таъминлаш онанинг аҳволини тиклаши, она ва бола ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаши ва уларнинг саломатлигини яхшилаши мумкин. Қолаверса, онанинг руҳий саломатлигини таъминлашда тиббий хизматдан ташқари оила ва атрофдаги жамиятнинг кўмаги ҳам муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш лозим. Оила аъзоларининг меҳри, тушуниши ва қўллаб-қувватлаши онанинг ҳомиладорлик ва эрта оналик давридаги қийинчиликларни енгиш қобилиятига сезиларли ҳисса қўшиши мумкин. Бу кенг қамровли ёндашув касбий хизматлар она ва бола учун зарур ғамхўрлик муҳитини яратади.

**– Барқарор тараққиёт мақсадлари оналар ва чақалоқлар ўлими даражасини пасайтириш вазифасини ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткичлар дунёвий миқёсда қандай баҳоланади? Бундан ташқари, ЖССТ ҳозирда Европа минтақасида иккинчи Европа иш дастури билан ишламоқда. Режада она саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадлари борми?**

– Албатта. Жаҳон соғликни сақлаш ташкилоти, шунингдек, БМТнинг бошқа агентликлари Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш йўлидаги ривожланишни кузатиш учун ушбу маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилади. Сўнгги маълумотлар Қозоғистонда оналар ва болалар ўлимини камайтириш борасида сезиларли ютуқларга эришилганини кўрсатмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Соғликни сақлаш вазири Ақмарал Алназаровани Қозоғистоннинг барча фуқаролари саломатлиги ва фаровонлигини ошириш, тиббий хизматга сармоя жалб этиш, малакали ўрта тиббиёт ходимлари сонини кўпайтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича мажмуавий дастурни амалга ошириш борасидаги ушбу ютуқлари билан табриклайман.

**– Қозоғистон тиббий-санитария бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида етакчи сифатида эътироф этилган. Ушбу муваффақиятнинг асосий омиллари нимада?**

– Қозоғистон Алмати ва Астана декларациясида белгиланган тамойилларга асосланиб, биринчи тиббий-санитария ёрдамини асосий устувор йўналиш этиб белгилади. Мамлакат соғликни сақлаш соҳасида рақамли воситалардан фойдаланиш, жамоавий иш шаклларини яратиш ва шўъбанинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича етакчи мамлакатга айланди. Қозоғистон бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш жамоасини ҳамширалар, ижтимоий ишчилар ва руҳшунослар билан кенгайтириб, соғликни сақлаш соҳасини янада мақбулроқ қилди ва даволаш самарадорлигини оширди.

Натижада, бошқа давлатлар Қозоғистонни анъанавий тиббиётдан воз кечиб, қишлоқлардаги тиббий жамоаларга устувор аҳамият қаратадиган, ижтимоий омилларни инобатга оладиган ва соғликни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни илгари сурувчи намунали мамлакат сифатида кўради.

**– Сизнингча, тиббий-санитария биринчи тиббий ёрдам ислоҳоти Қозоғистонда оналар ва болалар саломатлигини яхшилашга қандай ёрдам беради?**

– Қозоғистондаги тиббий-санитария бирламчи ёрдам шакли оналар ва болалар ўлимини камайтиришда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. 2024 йилда мамлакатда оналар ўлимининг камайишига эришилди. Бу муваффақиятларга оилалар ва тиббиёт ходимлари ўртасидаги мустаҳкам ва барқарор муносабатлар туфайли эришилмоқда.

**– ЖССТ яқин келажакда Қозоғистоннинг янги миллий ҳамкорлик стратегиясини имзолаш ниятида. Унинг аҳамияти қандай?**

– Ҳар бир мамлакат ноёб ва ҳар бир соғликни сақлаш тизими турли имкониятлар ва муаммоларга дуч келади. Шунинг учун ҳам мен Соғликни сақлаш вазири Ақмарал Алназарова билан биргаликда ЖССТ ва Қозоғистон ўртасида 2026-2030 йилларга мўлжалланган Давлат ҳамкорлиги стратегиясини имзолаш учун келдим. Ушбу стратегия ЖССТ ва Қозоғистон ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорлик учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки у ЖССТнинг дунёвий соғликни сақлаш мақсадларини Қозоғистоннинг ўзига хос эҳтиёжлари ва устуворликлари билан мувофиқлаштиришга ёрдам беради ва биз мослаштирилган ёрдам ва чекланган захиралардан самарали фойдаланишимизни таъминлайди.

Стратегия Қозоғистоннинг соғликни сақлаш соҳасидаги муваффақиятларини бутун Европа минтақасига ёйиш имконини беради, мамлакат инновацияларини дунёга тарғиб қилади, рақамли соғликни сақлаш, тиббий-санитария бирламчи ёрдами ва тиббиёт ходимларига сармоя жалб этиш каби соҳалардаги ютуқларини намойиш этади. Стратегия Қозоғистонни соғликни сақлаш соҳасида барқарор ва самарали ечимлар бўйича етакчи сифатида илгари суришга ёрдам беради. Натижада, Қозоғистон тажрибаси шу каби танқидларга учраган бошқа давлатлар учун намуна бўлиши мумкин.

»» Таъзиянома

# ДЎСТ, БИРОДАР ВА ЧИН ИНСОН ХОТИРАСИГА

**Тараз шаҳри ва Жамбил вилоятининг ўзбек ва тожик этномаданият жамиятлари оғир жудоликка учради. 2025 йил 7 апрель куни 58 ёшида ажойиб дўст, ўртоқ ва биродар, ўзбек ва тожик жамиятларини барпо этишда ташаббускор ва фаол шахслардан бири Баҳром Тўхтасин ўғли Мўминовнинг юраги уришдан тўхтади.**



Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларнинг ибратли ишлари, илмий- маънавий мероси, меҳру оқибати инсонлар хотирасида мангу яшайди.

Шундай инсонлардан бири – Б. Мўминов 1967 йил 26 ноябрда Тароз шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1975-1985 йилларда шаҳардаги К. Ушинский номли 23-сонли ўрта мактабни тамомлаб, СССР Қуролли Кучлари сафида хизмат қилган, захирадаги зобит. 1997 йили Жамбил гидромелиорация ва қурилиш институтининг иқтисодиёт ва бошқарув факультетини, 2004 йили Тароз Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. 1988-1990 йилларда ошпаз шогирди, 1990-1998 йилларда Тароз шаҳар Марказий тумани ИИБ ноидоравий қўриқлаш бўлимининг бригадири, 1998-2003 йилларда “Шахбос” МЧБ директори ўринбосари, 2003 йилдан “ҚТЖ” Миллий компаниясининг “Транспорт сервис маркази – Жамбил” ОҲЖ филиали директори лавозимида ишлаган.

1986 йилдан эътиборан ташаббускор гуруҳи таркибида ўзбек ва тожик миллий маданият марказларини ташкил этиш ва ривожлантиришда фаол иштирок этди.

2005 йилдан ҳозирги кунга қадар Жамбил вилояти ЎЭМБ раиси эди. Кучли тадбиркор, том маънода ўз халқининг ватанпарвари бўлган, Қозоғистон Республикасидаги Кураш ҳамжамиятига раҳбарлик қилган ва дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтган халқаро мусобақаларда иштирок этиб, ушбу спорт турини ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшган инсон эди. У ўз ғайрат-шижоатини аямай, ўзбек этномаданият бирлашмасининг барча тадбирларида иштирок этди.

Б. Мўминов камтарлиги, меҳнатсеварлиги, кеча-кундуз тиним билмай, фидойи меҳнат қилиши ҳамда жонкуярлиги, меҳрибонлиги билан ҳам эл-юрт олдида юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган.

Баҳром Тўхтасин ўғлининг ёрқин сиймоси ҳамкасблари, дўстлари, ҳамшаҳарлари қалбида мангу яшайди. Унинг эзгу ишлари келажак авлодларга ибрат бўлиб қолади.

**Алишер СОТВОЛДИЕВ,
Фахриддин ҚОРАТОЕВ,
Рўзақул ХОЛМУРОДОВ,
Икром ҲОШИМЖОНОВ,
Баҳодир ИРИСМЕТОВ,
Шерзод ПЎЛАТОВ,
Бахтиёр ИСҲОҚОВ,
Қаҳҳор ДАДАШЕВ,
Абдулла ИСМАТУЛЛАЕВ,
Тоҳир НИШОНБОЕВ,
Райимжон АЛИБОЕВ.**

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти Жамбил вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг раиси

**Баҳром Тўхтасин ўғли МЎМИНОВ-**

нинг оламдан ўтганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари, ёру биродарларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

**Ўтганларнинг охирати обод булсин!**

Миллий қурултой тавсиялари – ҳаётга!

# АСРГА ТАТИГУЛИК КУН

**Миллий Қурултойнинг Бурабайдаги йиғилиши ўзгача ўтди. Биринчидан, Кўкшетаунинг тўридаги тадбир Қурултойнинг фуқаровий жамият институти сифатида такомиллашаётганини намоён этди. Қурултойнинг мақсади – элнинг тотувлиги ва миллий бирлигини мустаҳкамлаш, жамиятни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиб, муҳим қарорлар қабул қилиш.**



Улитауда ўтган Қурултойдан сўнг Республика кунининг жорий этилиши, "Меҳнат одами" концепциясининг тасдиқланиши, Туркистон, Атираудаги тадбирдан сўнг "Адолатпарвар фуқаро" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, зўравонликка қарши тадбирлар, вейплар, вандализмга қарши, гиёҳванд моддалар савдоси, ўйин бизнеси, қиморбозлик, шунингдек, давлат мукофотлари тўғрисида қабул қилинган қонунлар Қурултойнинг самарасини кўрсатмоқда.

Туркистон шаҳрига алоҳида мақом берилгани, унинг ҳуқуқий асослари белгиланган асрга татигулик иш бўлди.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг иқтисодиёт тараққиётига бевосита таъсир кўрсатадиган бюджетнинг даромад қисмини тўлдирувчи солиқ сиёсати ҳамда қўшимча қиймат солиғи тўғрисидаги маъруза давлатнинг молиявий захираларини оширишга хизмат қилади.

Бурабайда қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган, долзарб масалалар кўтарилди. Президент халқнинг фикрини ҳам инобатга олди. У адолатли ва самарали солиқ тизимини яратиш юзасидан кўрсатмалар берди. Қонунчилигимизда бюджетнинг ярмидан кўпи ижтимоий тўловларга йўналтирилиши, бу борада ижтимоий ёрдамни муҳтожларгина олиши зарурлиги ёзилган. Бунинг учун молиялаштириш тизимини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжати зарурлиги айтилди. Диний ташкилотлар фаолияти ҳақида гап кетганда, асосий мақсад миллатни бирлаштириш, деган хулосага келди. Давлат раҳбари таъсисчилар томонидан кўтарилган масалаларга алоҳида тўхталди.

Адвокат Айман Ўмарованинг таклифига тўхталар экан, асосий мақсад жазо эмас, балки ахлоқ-тузатиш, қамоқхонадаги ҳомиладор аёлларга оид қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш зарурлиги, энг муҳими, жамиятимизда адолатни тиклаш эканлигига катта эътибор қаратди.

Қурултой ишининг асоси ижтимоий онгни янгилашни кўзда тутади. Яна бир масала бу – суратга олинган фильмларни назорат қилиш ғояси. Маблағи борлар киноижодкорлиги билан шуғулланаётгани, унинг ғоявий моҳияти, жамиятга фойдаси, тарбиявий аҳамиятни ўрганиш вазифаси тегишли давлат идораларини ташвишга солаётгани сир эмас.

Бурабай шаҳрида ўтган Қурултойда долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва тадбирларни самарали юритиш тамойиллари йиғилишнинг асосини ташкил этиб, учрашувнинг мазмун-моҳиятини очиб берди.

**Қалийма ЖАНТЎРЕЕВА,**
**"AMANAT" партияси вилоят филиали раисининг ўринбосари.**

# ОТАЛАР ЖАСОРАТИ – МУҚАДДАС

Буюк Ғалабага 80 йил

Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги арафасида Улуғ Ватан урушида ота-боболаримиз кўрсатган мардлик ва жасорат ҳақидаги мақолалар мунтазам берилмоқда. Бугун уруш ва меҳнат фахрийси Шоўлжа Шоюнусов (тасвирда) тўғрисида сўз юритмоқчимиз.



У Сайрам туманининг Сайрам қишлоғида 1915 йили 9 майда деҳқон оиласида туғилган. Бошланғич мактабни тугатгач, автомеханик ихтисослиги бўйича таҳсил олди. Сўнг бироз муддат жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлади.

Ш. Шоюунусов 1938 йили 1 ноябрда Армия сафига чақирилиб, 1941 йилгача 281-сонли артиллерия полки таркибида тракторчи сифатида хизмат қилди.

Улуғ Ватан уруши бошланганида Ш. Шоюнусов дастлаб 5-механизациялашган полкда, сўнгра 307-сонли артиллерия миномёт дивизионида автомеханик, урушдан сўнг НКВД лагерлари 525-сонли дирекцияси бошқармасида нозир лавозимларида хизмат қилди. Табиатан камтар, ҳалол ва меҳнатсевар инсон УВУ даврида қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатиб, илғор жангчи сифатида танилди.



У илк бор Сталинград шаҳрини муҳофаза қилишдаги жангларда иштирок этиб, СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 22 декабрдаги Фармони билан "Сталинград ҳимояси учун" медали билан тақдирланади. Айниқса, 1943 йилда Воронеж фронтининг Киев йўналишидаги ҳарбий ҳаракатларда иштироки алоҳида эътирофга сазовордир. Первомайский аҳоли манзилидаги жангда унинг бўлинмаси душман пиёда ротаси ва 2та миномётни йўқ қилиб, ўқ-дорилар ортилган 3та автомашинани ёндириб юборади. Шу жасорати учун «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланади. Шунингдек, Сенина қишлоғи учун бўлган жангда ҳарбий техникани ўз вақтида ўрнатгани ва бошқаргани, жанговар ҳаракатларда жасорат кўрсатгани, кучли ўқ ёмғири остида душманга қақшатқич зарба бергани ҳамда қўмондонликнинг топшириқларини намунали бажаргани учун «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланади.

Шунингдек, унинг Прага, Варшава шаҳарларини қўлга олишда кўрсатган жанговар маҳорати эътиборга сазовордир. Ш. Шоюнусов немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабалар иштирокчиси сифатида Олий Бош Қўмондон, Совет Иттифоқи Маршали Иосиф Сталин номидан бир неча бор ташаккурномалар олишга мушарраф бўлган эди.

1945 йил 22 февралда у 3070-сонли механизациялашган гвардиячи дивизия таркибида немис-фашист босқинчилари билан бўлган жангда иштирок этиб, кўкрагидан яраланади. Уруш ногирони мақоми берилса-да, у яна ҳарбий қисмга хизматга юборилади. Ҳарбийдан бўшатилгач, катта сержант Шоўлжа Шоюнусов қишлоққа қайтади ва халқ хўжалигини тиклашда фидойилик кўрсатди.

У 1946-1950 йилларда Сайрам туманининг Чимкентқопқа қишлоқ Кенгашига қарашли Калинин номли жамоа хўжалигида радиостанция раҳбари бўлиб ишлади. 1955 йили Қозоғистон ССР алоқа вазирлигининг радиотехника курсида малакасини оширди. 1956-1960 йилларда билим юртида дарс берди. 1966 йилда Сайрам қишлоғининг Қирқмозор ҳудудидаги ҳаммом қурилишида фаол иштирок этди, шунингдек, ичимли сув таъминоти тизимини ташкил қилишда жонбозлик кўрсатди.

Ш. Шоюнусов бахтли оила соҳиби эди. Рафиқаси Раҳима ая билан 5 ўғил ва 5 қизни тарбиялаб, вояга етказишди.

Тинч меҳнат жабҳасида қаҳрамонимизнинг тунукасоз уста сифатида танилди ва кўплаб ҳамқишлоқларнинг уйлари томини ёпиб, ҳурмат ва эътибор қозонди.

Отахон урушдан сўнг «Жасорати учун», «Германия устидан қозонилган Ғалаба учун», «Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 20 йиллиги», «Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 25 йиллиги», «Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 30 йиллиги» каби жанговар медаллар, шунингдек, «Ватан уруши" ордени билан тақдирланди.

Уруш ва меҳнат фахрийси Ш. Шоюнусов 1981 йил 18 февралда вафот этган.

**З. МЎМИНЖОНОВ.**

# АКЦИЯ ЎТДИ




Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида "Тоза Қозоғистон" дастури доирасида тадбир ўтди. ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг топшириғига мувофиқ Қозоғистон халқи Ассамблеяси Туркистон вилоят "Ёшлар қаноти" ташкилоти раиси Нодир Ҳасантоев ҳамда Қорабулоқ қишлоғи ҳокимлигининг ташаббуси билан қишлоқдаги катта кўл айланасига дарахт кўчатлари ўтқази.

Тадбирда Д. Қўнаев номли коллеж талабалари, "Sahiy" хайрия жамғармаси аъзолари, мактаб ўқитувчилари, техник ходимлар қатнашди.

Қишлоқ хокими Комилжон Абдилаҳадов ва Туркистон вилояти ўзбек этномаданият бирлашмаси раисининг муовини Бахтиёр Шомуродов иштирокчиларга миннатдорчилик билдиришди.

**З. МЎМИНЖОНОВ.**



Соғлом турмуш тарзи – баркамоллик пойдевори

# АЁЛ ЧЕКСА – МИЛЛАТГА ЗАРАР



**Мафтуна оқшом пайти кўринмай қолди. Акаси Дилмурод безовта бўлиб, онасидан сўради. "Кеч бўлганда, қаерга ҳам борарди, уйда бўлади-ку, иккинчи қаватдаги меҳмонхонани кўр-чи", деди она таажжубланиб.**

Кутилмаганда шарақлаб очилган меҳмонхона эшигидан акасининг дабдурустдан бостириб киришидан Мафтуна шошиб қолди. Қўлидагини ташлаб юборишга ҳам улгурмади.

– Нима қиляпсан? – ака шошиб сўради. – Қани бу ёққа бер-чи.

– Ака, мен ҳалиги, ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман.

Мафтуна қўрққанидан қалтқалт титрашга тушди. Дераза олдида ўтирган экан, дарҳол ўрнидан туриб кетди. Ака деразани очиб, ерга қаради. Гумони рост чиқди. Ерда тамаки қолдиғи тутаб ётарди...

Ё, тавба. Синглиси чекяптими. Ана, бўлмаса...

Дилмуроднинг важоҳатини кўриб, Мафтунанинг баданидан муздай тер чиқиб кетди, у ўрнидан тура солиб, пастга қараб қочди. Хонасига кира солиб, эшикни ёпишга ҳам улгурди. Агар сал имилласа, акаси ташланиб, калтак остида қолиши аниқ.

– Ҳой, нима гап? Худди қутурган ит каби нимага синглингнинг кетидан қувяпсан?

Она ўғлини тергай бошлади.

Дилмурод ҳозиргина кўрганларидан ўзига кела олмай, онасини ҳам жеркиб берди.

– Қизингиз чекишини билармидингиз, сиздан сўраяпман!!!

– Ҳой бола эсинг жойидами, қанақа чекиш, нималар деяпсан?

Дилмурод онасини тамаки қолдиқлари ёйилиб ётган жойга олиб борди. Ерда уйнинг иккинчи қаватидан тушган, ҳали бутунлай ўчиб улгурмаган тамаки қолдиқлари ётарди...

Ҳа, ёшлар табиати янгиликка ташна. Ёшликда одам боласи ҳар нарсага қизиқиб кўради, у фойдали бўладими, зарарлими, фарқи йўқ. Албатта, ўзида синаб кўргиси келади.

Мафтуна ҳам тиббиёт коллежига ўқишга кириб, бир гуруҳ тенгқур қизлар билан дўстлашди. Табиийки, янги дугоналарнинг таъсири ҳам ўзини кўрсата бошлади. Ораларида чекадиган, ичадиган қизлар бор экан...

Улар Мафтунани ўзларига тортишга ҳаракат қилишди. Ҳаракатлар бесамар кетмади. Мафтуна бир кун давомида бир донадан сигарета чекишга ўрганди, кейин эса талаб кучайди. Зарарли одатга одам тез ўрганади. Мана энди, тамакисиз тура олмайди. Бир кунда бир қутини чекиб қўйяпти. Хумори тутса, тура олмайди. Ота-онаси билмайди, фақат бугун фалокат босиб, акаси билиб қолди.

Қизининг чекканини ўз кўзи билан кўрган онанинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, бир сўз айтишга ҳам мажоли қолмади. Бошидаги рўмолини тўғирлаб, истар-истамас уйга кирди. Қон босими кўтарилиб, кўнгли беҳузур бўла бошлади. Эҳтиёткорлик билан қизи кирган хона эшигини тақиллатди. Мафтуна каравотда ғужанак бўлиб ётар, агар ҳозир эшикни очса, нима бўлишини жуда яхши биларди. Агар бу хабарни отаси эшитсачи. Секин дераза олдига келиб, уй ичига мўралади, ҳовлини ҳам кузата бошлади. Жимжит. Хайрият отаси уйда йўқ. Боягина ҳовлини бошига кўтариб, бақир-чақир қилаётган акаси ҳам тинчибди.

Бу пайтда шўринг қурғур она хаёлга толди, индамай йиғлашга тушди. Қандай содда ва меҳрибон қиз эди-я Мафтуна. Уни нима бузди, ким уни тўғри йўлдан адаштирди... Ахир, оиласида ҳеч ким тамаки чекмаган, на ота, на ўғил... Бу кеча ёки бугун бўлган эмас, камида уч-тўрт ойча вақт ўтгандир, нега сезмади, нега ҳушёрроқ турмади?

Кўз олдига ерда оқаринқираб ётган тамаки қолдиқлари келди, улар битта-иккита эмас, ўнта-я. Қизининг тамакини хумор билан тортаётгани ва қолдиқларини ерга ташлаётганини бир тасаввур қилиб, танаси жимирлаб кетди.

Она беихтиёр дарвозага термулди, воқеани эрига айтиши керак, отаси ҳам билсин, қизининг нима ишлар қилиб юрганини...

Кўнгли беҳузур бўлавергач, онаизор ўрнида туриб, ошхонага кириб кетди. Ичкарида ўтирган Мафтунанинг ҳам кўнгли беҳузур бўлди, бу очликдан эди, ошхонага кириб тўйиб овқатлангиси келди, лекин уйдагиларнинг важоҳатидан қўрқиб, хонаси эшигини очмади.

Ака ҳам ўз хонасида ўйчан ўтирарди. Синглисини чекаётганида ушлади, у атиги 18 ёшда! Қиз ўз уйида бамайлихотир тутун бурқситиб ўтирибди-я. У билан қатъий гаплашади ҳали. Майли, бугунча индамасин, жаҳл устида яна бир нарса қилиб қўймасин. Мафтуна бундай қилмасликка ваъда беради, у шунчаки синаб кўрди. Яна ким билади... Келиб-келиб синглисини тасодифан ушлади-я! Бу қандай шармандалик, энди нима қилади?

Ҳозирча ака нима қилишини билмайди, отасига айтишни хоҳламайди, отаси уни қаттиқ жазолаши мумкин. Аммо, бошқа томондан, бу одат ниҳоятда зарарли, айниқса, бу ёшда. Қандай қилиб бунга ўрганибди синглиси тушмагур? Лекин нима бўлса ҳам, Мафтунага ишончи йўқолди, у энди ёшгина, содда қиз эмас...

Шу пайт эсига бир ўртоғининг уйида содир бўлган воқеа тафсилоти тушди. "Биласанми, синглимни сигарета билан ушлаб олдим, чекишга ўрганибди, лаънати. Ота-онамга айтмадим, ўзим жазоладим, лабларини сигарета билан босдим ва қолганини ейишга мажбурладим". Дилмурод бундай қилмаса керак, лекин Мафтунани жазолайди, албатта. Бирор чорасини топмаса бўлмас.

Афсуски, бугунги ёшларимиз орасида, айниқса, қизлар орасида чекиш "урф"га айлангани сир эмас. Буни инкор этмоқчи бўлганлар коллежлар талабаларини бир кузатиб кўришсин. Чилим чекаётган қизлар бу иллатнинг оқибатларини яхши билармиканлар?

Тамакининг нимаси ёмон? Тутуни таркибида ниҳоятда заҳарли ва зарарли моддалар мавжуд. Улар қон таркибини бузади, томирларни қотиради. Астма, ўпка саратони, юрак-қон томири, гипертония, оғиз бўшлиғи касалликлари айнан чекишдан келиб чиқади. Тамаки овқат ҳазм қилиш хасталиклари билан ҳам хавфли.

Ёшлар бугунги кунда гуруҳ-гуруҳ бўлиб чекишга одатланган. Бу ҳам ниҳоятда зарарли. Мутахассисларнинг айтишича, гуруҳ бўлиб чекиш оқибатида гепатит, стафилакок, сил, грипп ва бошқа юқумли инфекциялар тарқалар экан. Тамаки инсоннинг жинсий ва ирсий қобилиятини сусайтиради ва саратон келтириб чиқариши мумкин. Даҳшатлиси, кашанданинг иродаси заифлашиб кетади. Кўп чеккан одам ҳаётдаги муаммоларни ҳал қила олмайдиган даражага тушиб, қарам бўлиб қоларкан. Иродаси йўқ одамни эса истаган мақсадларга ишлатиш мумкин. Қизларнинг чекишига келсак, энг ёмони, уларда уят-андиша ва масъулият ҳисси йўқолади. Бу эса, энг паст, энг тубан ахлоқсизликларга олиб келиши мумкин.

Ёшлар орасида кашандалик асосан оддий қизиқишдан бошланишини юқорида айтдик. Кейин бора-бора, чуқурлашиб, уни ташлаш мумкин бўлмай қолади. Ҳозир ёш йигит-қизлар чилимдан кўра, кўпроқ электрон сигареталарини истеъмол қилишмоқда, нос ҳам кенг тарқалмоқда. Оддийсидан ҳид қолади, электрондан эса чекаётган вақтда деярли ис чиқмайди. Кейин чекиб бўлгач, нохуш ҳид тарқалади. Ҳид чекаётган одамга унчалик билинмайди, атрофдагиларга эга тезда етиб боради. Яна бир катта фарқи – оддий сигарета ёниб тутун чиқарса, электрон қизиб тутун чиқаради. Таркибида кимёвий суюқлик бор.

Бугунги кунда ёшларга оилавий тарбиядан кўра, кўпроқ ташқи муҳит таъсир қилмоқда. Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши огоҳ бўлайлик!

**Н. МАВЛОНОВА.**

### Газетхон таклиф қилади

# КЕКСА ЁШДАГИ ЗИЁРАТЧИЛАР ИЛТИМОСИ

**Туркистон ва Кентов шаҳарлари, Саврон туманидаги фаол обуначиларимиз билан ҳамкорликда Арслонбоб зиёратгоҳига отландик.**

70 чақирим масофани Қурбонбой Ирисбековнинг илтимосига биноан тажрибали ҳайдовчи Ўмар Айтмаханов бошқарган янги автобусда бир соатга қолмай босиб ўтиб, табаррук қадамжога етиб келдик. Айниддин Абубакиров, Бобожон Ёқубов, Обиддин Фахриддинов, Ирисқул Аббосов, Жумадулла Абенов, Мирзахон Адҳамов, Қодир Аҳмедов, Поччахон Бобожонов, Абдуҳамид Умаров, Эргаш Дийметов, Ўсар Неъматуллаев ва Олим Қосимов каби зиёратчиларнинг ёши 75-90 оралиғидаги нуроний отахонлар. Гап шундаки, Арслонбоб зиёратгоҳида дарвозадан мақбарагача пиёда юриладиган оралиқ масофа жуда узоқ – қарийб бир чақиримни ташкил этади. Ҳамманинг ҳам соғлиги бунга имкон беравермайди.






Шу боис, аксарият зиёратчилар Арслонбоб дарвозаси ёнида тиловат қилиб, эҳсонларини шу ерда қўйилган қутичаларга ташлашди. Ҳолбуки, қани энди зиёратчиларга Туркистондаги А. Яссавий мақбарасидагидек шароит яратилса. Яъни, Туркистонда зиёратчилар учун 5-10 кишилик электромобиллар доимий қатнаб, истаган манзилга етказади. Ёки Макка, Мадинадаги каби зиёратчиларнинг яқинлари ёши улуғ отахон-онахонларни ўтқазиб, айлантириб юрадиган уч ғилдиракли аравачалар ижарага бериладиган бўлса, нур устига нур.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирларда:** зиёратчилар Арслонбоб қадамжосига кираверишда; марказий йўлдан Арслонбоб мақбараси олисда жойлашган.

**Муаллиф суратга олган.**

*Қалб кўзинг ила боқ. Ҳеч нарса кўрингани каби эмас. Ҳар соҳада устоз даркор.*
**Жалолиддин РУМИЙ.**

# КЎҲНА ТУРОН ШУНҚОРЛАРИ




Туркияга борганимизда масжид пештоқига ёзилган маълумотни гидимиз тушунтирди: «Болаларимизга ибодат қилишни ўргатишдан аввал, ахлоқли бўлишни ўргатайлик.

Бўлмаса намоз ўқийдиган ўғри,
Ҳажга борадиган ёлғончи,
Рўза тутадиган фитнакор,
Шаҳодат келтирадиган бир террорчи бўлиши мумкин. Яъни руҳ ила вужуд, гўзал бир ахлоқ ва ибодат – бир бутунни ташкил этади». Фарзандимиз ақлли, ибодатли ҳам яхши ўқиши мумкин, лекин одоби бўлмаса, ҳеч кимдир.

Икки йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан таълим даргоҳлари етишмаслиги, уч навбатли таълимни бартараф этишга қаратилган «Бадастир мактаб» миллий лойиҳаси ишга туширилди.

Юртбоши спорт мавзусини, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида оммалаштириш саломатлик гарови эканлигини, бу борадаги ишлар давлат томонидан ҳам, тадбиркорлар томонидан ҳам давом этиши зарурлигини таъкидлаганди.

Мамлакат бўйлаб футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишга чақирди.

Шунингдек вилоят, туман марказларида, шаҳар ва қишлоқларда болалар спорт майдончалари барпо этилиши жоизлиги, айниқса, болалар, ўсмирларни спортга жалб қилиши орқали жамиятдаги ёт иллатлар, қимор ўйинлари, безорилик, гиёҳвандлик муаммоси сезиларли даражада ҳал қила олиниши таъкидланди.

Клублар фақат минтақавий бюджетларга қараб қолмаслиги, бутун дунёда бўлгани каби, ўзлари пул топишни ўрганишлари даркор эканлиги уқтириб ўтилган эди.

Бир куни Искандардан: «Сен устозингни отангдек ҳурмат қилар эмишсан, шу ростми ?» деб сўрадилар.

***Жамоанинг фахри ва ғурури, келажаги порлоқ спортчилар Диёрбек Комилжонов, Бахитжон Комилжонов, Диёрбек Равшанов, Худойберган Абдималиков, Азизбек Бахтиёров, Азимжон Камолжонов, Жахонгир Полвонов, Акбарали Аҳмаджанов, Билолбек Мавлонов, Ғолибжон Анорхонов, Сардор Холмуродов ва Адҳам Неъматуллаевлар энг моҳир ва рақобатбардош ўқувчи – ёшлардир...***

«Ҳа, деб жавоб берди Искандар. – Отам мени йўқлик осмонидан олиб тушди, устозим эса кўкка кўтарди».

Бузургмеҳр бу саволга: «Отам мени ўткинчи ҳаётга олиб келди, устозим эса боқий ҳаёт бағишлади!», деб жавоб берган экан.

Қорабулоқ қишлоғининг хушманзара ҳудудига жойлашган «САПА» соғликни тиклаш марказида ҳордиқ чиқараётган ўқувчи ёшлар эътиборимизни тортди, суриштириб билганимиз – болалар қишлоғимизнинг турли мактабларидан йиғилган спортчилар аниқроғи, ёш баскетболчилар – Қозоғистон Республикаси чемпионлари экан. Улар ўз мураббийлари билан дам олишаётганидан бохабар бўлдик. Улар спортдаги ютуқлари эвазига имтиёз сифатида соғломлаштириш марказида ҳордиқ чиқаришаётган экан.

Мураббий Паҳлавон Абдуқодиров ушбу баскетбол терма жамоасини тузишда елкама-елка туриб ёрдам берган 17-сонли мактаб муаллими Каримжон Усмонов, «Қорабулоқ» мактаби муаллимлари Ғулом Йулдошев, Рустам Норинтоев, «Далабозор» мактабидан Олимжон Усмонов, Ҳамза номли мактабдан Шерзод Абдураҳмонов каби жисмоний тарбия ўқитувчиларининг номларини тилга олди.

Жамоа мураббийи Паҳлавон Рахмонқул ўғли 1996 йилда таваллуд топган.

Ҳамза номли мактабдаги ўқувчилик даврида илғор, фаол жамоатчи, турли спорт ўйинларида фаол қатнашар, айниқса, баскетболни жону дилидан ёқтирарди. Ўқувчиларнинг спортнинг баскетбол турига қизиқишлари юксалишига ўша даврда «Қорабулоқ» ўрта мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси(марҳум) Мавлонбек

Йўлдошев ва Ҳамза номли мактаб муаллими Турашбек Абдураҳмоновлар сабабчи бўлдилар.

Паҳлавон мулоқот давомида Мавлонбек Йўлдошевни «Менинг биринчи устозим», дея атади. Баскетболга қизиқиш ва ҳавас уни Халқлар Дўстлиги номидаги Жанубий Қозоғистон Университетига етаклади. Орзуси жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиш, ўзининг билганларини ёшларга етказиш эди. У талабалик даврида ҳам турли нуфузли мусобақаларда иштирок этди. Ўқишни тамомлагач, 17-сонли мактабда иш фаолиятини бошлади. Вилоят 3-сонли махсус спорт мактабида ёшларга мураббийлик ҳам қилди.

Спорт мактаби мураббийларининг вазифаси жойларда баскетболга қизиқувчи ўқувчиларни саралаб улар билан пухта шуғулланишлари лозим эди. Албатта у ерда маҳоратли, истеъдодли ва жисмонан баркамол ўқувчиларни танлашда мураббийнинг маҳорати, тажрибаси асқотиши табиий. Қисқа вақт ичида Паҳлавон қишлоқ мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари билан ҳамкорликда 12-14 ёшли ўқувчилар орасидан ишончли жамоа тўплаб, саралашга, тузишга муваффақ бўлди.




Бу сермашаққат ишда унга ўзининг беминнат кўмагини аямаган ҳамкасблари К. Усмонов, Ғ. Йўлдошев, Р. Норинтоев, Ш. Абдураҳмонов, О. Усмоновларнинг ва маънан қўллаб-кувватлаган 17-сонли мактаб етакчиси Абдурасул Аҳмедовнинг хизматлари беқиёс бўлди. Устозларнинг аҳиллик ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли ТУРОН ШУНҚОРЛАРИга айланган жамоа вужудга келди.

Жамоа 2023 йил ноябрь ойида ҚР-да, 2024 йил Тараз шаҳрида утган ҚР биринчилигида ҳам 1-ўринни қўлга киритди. 2024 йилнинг декабр ойида Қарағанди шаҳридаги муваффақият ҳам худди шундай даражада эди.

Жамоани олдинда яна бир синов кутяпти.

Апрель ойида Қозоғистон чемпионатида яна омади чопиб, ғалаба билан қайтишларини барча мухлислари кутиб қоладилар.

Жамоа довруғи қўшни ҳамдўстлик давлатларига ҳам ёйилмоқда.

Балки ўғлини ҳар доим турнирга, мусобақалар – сафарга жўнатаётган кезда онаизори дуо қилиб, оқ йўл тилагандир. «Ўғлим эшит, мана эл-юрт сенга кўзининг оқу қорасини ишониб бегона жойларга юборяпти. Шогирдларингни кўз қорачиғингдек асраб-авайла. Мисоли жигарларингдек ғамхўрлик кўрсат. Ой бориб,омон қайтиб, ота-она бағрига топшир. Меҳринг аяма, еяр-ичарида, иссиқ-совуғида кам-кўст бўлмасин, уларнинг суяклари ҳали мўрт, йиқилиб-нетиб майиб бўлиб юрмасин. Кўзларига қараб ҳолатини ҳис қилиб юр. Эътиборинг юксак бўлсин!»




Отанг ўгитлари ёдингда бўлсин!

*– **Ўғлим, эзгу ишларда бўй бер,***
***Сенинг ғаминг Яратганим ер.***
***Яхшиларнинг қаторида юр,***
***Давлат иши, корига тик тур!***
***Отанг руҳи қўлласин ҳар он,***
***Шунда умринг бўлар нурафшон!***
***Ҳақсўзларни ҳамсоя билгин,***
***Қонун бузма, риоя қилгин.***
***Киши кўнглин юксалтмоқ учун,***
***Тўғри йўлла тафаккур кучин!***
***Хизматларинг бўлсин устивор,***
***«Тушларингга кирсин шаҳсувор»***
***Лафзи маҳкам аждод наслисан,***
***Ростгўймисан, демак аслсан!***

**Ойтути РЕЖАМЕТОВА,**
**«Жанубий Қозоғистон» газетасининг жамоатчи мухбири.**

**Тасвирларда:** жамоа аъзолари.

**Директор – Бош муҳаррир Раймжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
**Муроджон АБУБАКИРОВ.**
**Авазхон БЎРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:
*Туркистон, Саврон* – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22.
*Қазиғурт* – **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.
*Сайрам* – **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
*Тулкибош* – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.
*Жетисай, Мақтарал* – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
*Келес, Сариоғоч* – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82
*Кентов, Сўзоқ* – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

*● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
*● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

*Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.*

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

**Қозоғистон Республикасида тарқатилади.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
+7778-618-39-05
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 11400 нусха.

Буюртма: 799.

Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.